



O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№20

2025-yil
21-may, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqqa boshlagan



“ОРЗУЛАР ДУНЁСИ” = ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ



Уларнинг орзуси бир олам. Ижодий салоҳияти, бадиий диди, эстетик тафаккури ҳам ниҳоятда юксак. Улар тақдир синовлари қаршида бўйин эгмади, тушкунликка тушмади. Яшашга бўлган иштиёқи сўнмади.

Қўл меҳнати асосида яратилган тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, наққошлик, каштачилик, зардўзлик намуналаридаги креатив ёндашувларни кўриб бунга яна бир бора амин бўласиз.

Халқ демократик партияси ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган “Орзулар дунёси” номли ижодий акцияни кузатиб, бунга гувоҳ бўлдик.

► (Давоми 5-бетда)



СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ТАЛАБЛАР, ЯНГИ БОСҚИЧ



Санокли кундан кейин юртимиз мактабларида “Сўнгги қўнғироқ” тадбирлари бўлиб ўтади. 11 йиллик таҳсил давомида ҳар жиҳатдан камолга етган, болалик ва ўсмирликни ортда қолдириб, умрнинг энг гўзал фасли – ёшликка, бошқача айтганда, мустақил ҳаётга қадам қўйган минглаб йигит-қизларимиз мактаб билан хайрлашадилар.

Сўнгги йилларда ёшларимиз ҳаётий қарашларида умидли тенденция кузатиляпти. Яъни, мактаб битирувчиларининг илм-фанга, халқаро меҳнат бозори талабларини англаган ҳолда рақобатдош кадрлар бўлишга интилиш ҳисси яққол кўринмоқда. Бу эса мамлакатимиз ёшларининг олий таълимга қамров даражаси сезиларли ошиб бориши билан уйғунлик касб этаётир. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2024/2025 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг 18-23 ёшдаги аҳолисини олий таълимга қамраб олиш кўрсаткичи 47,7 фоизни ташкил қилган. Бу рақам 2014 йил билан солиштирилганда 40,9 фоизга ортганини кўриш мумкин.

► (Давоми 2-бетда)

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

ОЙБАРАКЛИКЛАР МУАММОСИ ЕЧИМ ТОПАДИГАН БЎЛДИ

Ёғин-сочинли кунлар бошланиши билан айрим ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг ташвиши ортади. Кимдир электр энергияси таъминотидаги камчиликлардан гапирса, бошқа биров йўллардаги носозликлардан ёзғиради. Тоza ичимлик сувининг йўқлиги-ю табиий газ етишмаслигидан сўзлайдиганлар кўпаяди.

Денов туманининг “Ойбарак” маҳалласи аҳлини эса кўприк масаласи қийнаб келмоқда. Бу борада ҳақли ва ўринли эътирозлар борлиги ҳақиқат.

Ҳолатни атрофлича ўрганиш мақсадида аҳоли вакиллари ва фаоллар билан учрашдик.



6

МУЛОҚОТ ТАШАББУСГА ЧОРЛАЙДИ

Замонавий билимлар, айниқса, чет тиллари ва ахборот технологиялари глобаллашган бугунги дунёда ҳар бир кишининг муваффақият калитига айланиб бормоқда. Шунинг учун сўнгги йилларда таълим тизимида инновацион технологияларни қўллашга қизиқиш ва замонавий усулларни жорий этишга эътибор сезиларли даражада кучайди. Ҳозир дарсларда замонавий технологиялар имкониятидан фойдаланиш, ёшларнинг билимини мустаҳкамлаш, мустақил хулосалар чиқаришга ўргатилмоқда. Шу боис, мамлакатимизда мавжуд умумтаълим мактаблари негизда информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

► (Давоми 3-бетда)



ДОЛЗАРБ МАВЗУ



СУҲБАТ

Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси:

ВАЪДАДАН КЎРА, АМАЛИЙ ҲАРАКАТ ВА НАТИЖА МУҲИМ

Кейинги йилларда Сирдарё катта ислохотлар майдонига айланди. Азим Сайхун дарёси соҳилларидаги сўлим бу воҳа мамлакатимизнинг марказида жойлашгани учун шарқий ва ғарбий вилоятларни бир-бири билан боғлаб туради. Аҳоли сони камлиги ва ҳудудининг кичиклигига қарамай, ушбу вилоят ўзининг географик жойлашуви ва бир қатор хусусиятлари билан мамлакат иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди.

► (Давоми 4-бетда)

СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ТАЛАБЛАР, ЯНГИ БОСҚИЧ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

- **Янги ўқув йилидан мактаб директорлари, ўринбосарлари ва боғча мудирларининг иш ҳақи 7-10 миллион сўмдан ошади.**
- **Мактаблардаги 17 та фаннинг ҳар бири бўйича алоҳида таянч мактаблар ташкил қилинади.**
- **“Президент иқтидорли фарзандлари” миллий дастури ва “Гарвардчилар мактаби” очилади. Бу муассаса Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб сифатида ташкил этилади. Унга 8-синф битирувчиларидан 60 нафари саралаб олиниб, дунёдаги “TOP-10” олийгоҳларига мақсадли тайёрланади.**
- **Хусусий олийгоҳлардаги педагогик йўналишлар давлат институтлари билан бир хил бўлади.**
- **Жорий йилда янги мактаблар қуриш учун Ислом тараққиёт банкидан 200 млн доллар жалб қилинади. Бунинг эвазига мактаблар сони яна 58 тага, ўқувчилар ўрни 72 мингтага кўпаяди.**

Бироқ бугун шундай даврда яшапмизки, олийгоҳда тахсилни тамомлаган ёш мутахассис ихтисослиги бўйича ишга кириши учун қўлидаги диплом камлик қилади. Унинг ўзгарувчан меҳнат бозорига ўз ўрнини топиши учун нафақат илмий, балки ижодий, ҳаётий (ишбилармонлик, етакчилик, стрессга чидамлилик каби) ва, табиийки, рақамли кўникмалар талаб қилинмоқда. Хўш, Ўзбекистондаги таълим тизими ўсиб келаётган авлодда шундай кўникмаларни шакллантира олаётганими?

Тўғри, юртимизда таълим инфратузилмаси жадал суръатда ривожланмоқда. Айни пайтда қарийб 11 мингга яқин умумтаълим муассасаларида замон талабларига яраша шарт-шароитларни яратиш, 7 мингта давлат ва 31 мингдан зиёд хусусий боғчалар фаолиятида илғор педагогик мезонларни татбиқ этиш чоралари кўриляётир. Охириги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблаг 7 карра ошгани, мактабларда 1 миллионга яқин, боғчаларда 1,5 миллионга янги ўрин яратилгани бунинг далили.

Лекин шу ўринда танганинг бошқа томони кўзга ташланади. Ўрганишлар кўрсатадики, ҳозирги кунда кўплаб оилалар ойлик даромадининг бир қисmini фарзандлари репетитор ва ўқув курсларига қатнаши учун сарфламоқда. Айни шу мақсадда ота-оналарнинг ўртача ойлик харажати пойтахтимизда 100, қолган ҳудудларда эса 20-30 доллар атрофида бўлмоқда. Бу эса қатор саволларни пайдо қилади: мактабларимизда 11 йиллик таълим боланинг интеллектуал салоҳияти ва қобилиятини тўлақонли юзага чиқариш ҳамда ривожлантиришга “қодир” эмасми? Нега ўқувчи келгусида олийгоҳга ўқишга кириш ёки IT, SMM, роботехника сингари замонавий соҳаларда дастлабки билим-кўникмаларни эгаллаш учун репетитор ёки ўқув курсларига боришга мажбур?

Бу саволлар аслида давлат ва жамият учун жиддий сигнал. Чунки янги мактаб-боғчаларни қуриш, мавжудларини замонавий услубда таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш билан иш битмайди. Боғчаларда болани мактабга тайёрлаш, мактабларда эса фундаментал фанларни ўқитиш методикаларини ҳамма жойда ҳам юқори даражада, деб бўлмайди.

Рақамли технологиялар ҳали кириб бормаган ҳудудлар кўп. Баъзи мактабларда информатика дарслари эскирган дастурий махсулотлардан фойдаланиб ўтилмоқда. Айтмоқчимизки, узоқ йиллардан буён узил-кесил ечимини кутаётган таълим сифатини ошириш муаммоси ҳали-ҳамон долзарб.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур масалага яна бир бор диққат қаратилди. Мактаб таълимини мазмун-моҳиятан янги босқичга кўтариш учун давлат раҳбари томонидан муҳим вазифалар белгилаб берилди.

МАҚСАД – ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташласак, улар тараққиётга энг ишончли йўл – инсон капиталини ривожлантириш, мамлакат келажаги бўлган ёшларга “ижтимоий лифтолار”ни яратиб бериш орқали эришганини кўриш мумкин.

Инсон капиталини ривожлантириш, яъни, ёшларнинг сифатли таълим олиши ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга муваффақ бўлиш – бир кунлик ва осон иш эмас. Узоқ муддатли, комплекс ёндашув ва катта ҳажмда инвестиция талаб қиладиган чора-тадбирлар зарур.

Янги Ўзбекистонда бу соҳада дадил қадамлар қўйилаётгани рост.

Йиғилишда таъкидланганидек, мактабларда таълим энг илғор мамлакатлар тажрибасига мослаштирилмоқда, дарсликлар янгиланаяпти, замонавий жиҳозлар олиб берилаяпти. Ўз навбатида малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга ўндан ортиқ устама жорий қилинди. Бундан самарали фойдаланган 60 минг нафар ўқитувчи ҳозирда 8-12 миллион сўм маош олаяпти. Боғча тарбиячилари ойлиги 65 фоизга ошиб, мактаб ўқитувчилари маошига тенглашди.

Мана шундай амалий сэй-ҳаракатлар пировардида ўқитувчи-педагогларнинг жамиятда нуфузи ошишига олиб келмоқда. Галдаги

вазифа эса таълим сифатини яхшилашда уларнинг иштироки ва улушини кенгайтириш билан боғлиқдир.

– Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ, – деди Президент мазкур йиғилишда. – Шу боис янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур.

Шундай қилиб, энди муаллимлар олдида ўқитишнинг янги методикаларини ўзлаштириш, болаларга билим беришда илғор тажрибаларни ўрганиш масаласи турибди. Бунинг учун эса педагогика йўналишидаги олий таълимда сифат ўзгаришларини амалга ошириш керак.

Йиғилишда барча педагогика олийгоҳлари фаолияти тубдан ўзгартирилиши айтиб ўтилди. Масалан, Термиз педагогика институтида ҳозирги факультетлар ўрнида аниқ, табиий, ижтимоий, филология, амалий фанлар, мактабгача ва бошланғич таълим бўйича 6 та олий мактаб ташкил қилинади. Фанлар сони мақбуллаштирилиб, 20 тадан 15 тага, таълим йўналишлари 31 тадан 17 тага туширилади, ўқув юкламаси 20 фоизга қисқаради. Яқин ҳудуддаги мактаблар унинг амалиёт базасига айлантирилади.

Институтнинг хорижий тил сертификати бор 20 нафар ўқитувчиси шу йил Буюк Британия, Германия ва Сингапур каби давлатларга малака оширишга юборилади. Келгуси уч йилда барча профессор-ўқитувчилар чет элда ўқитилади. “Top-100” талик университетларда малака ошириш

“**ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЯЪНИ, ЁШЛАРНИНГ СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ОЛИШИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИАТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛИШ – БИР КУНЛИК ВА ОСОН ИШ ЭМАС. УЗОҚ МУДДАТЛИ, КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ ВА КАТТА ҲАЖМДА ИНВЕСТИЦИЯ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЗАРУР.**”

ва таълим хизматларини олиш тўғридан-тўғри шартнома асосида бўлади.

Худудлардаги малака ошириш марказлари фаолияти ҳам кенгайтирилади. Улардаги профессор-ўқитувчилар АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Германиянинг илғор дастурлари асосида қайта тайёрланади.

Шу билан бирга, ўрта таълимдаги 17 та фаннинг ҳар бири бўйича алоҳида таянч мактаблари бўлади. Таянч мактаб ўқитувчиси Малака ошириш марказига келиб, ўз йўналишида халқаро дастурлар асосида чуқур тайёрланади, уларга тренер мақоми берилади. Кейин бу тренерлар ўзига

бириктирилган ҳудудда 25 нафар етакчи ўқитувчини ўқитади. Етакчи ўқитувчилар эса ўз мактабидаги бошқа муаллимларнинг малакасини ошириб боради.

Бугунги кунда хусусий олийгоҳларда педагогика йўналишидаги талабаларнинг 70 фоизи мактабгача таълим, бошланғич таълим ва филология бўйича ўқияпти. Бирортасида кимё, биология ва физика бўйича муаллим тайёрланмайди. Мактабларимизда эса аниқ ва табиий фанлар бўйича ўқитувчилар тақчиллиги мавжуд.

Йиғилишда бундан буён хусусий олийгоҳлардаги педагогик йўналишлар давлат институтлари билан бир хил бўлиши, улардаги педагоглар ва талабалар билими ташқи диагностикадан ўтказилиши, педагог тайёрлаш сифати назоратга олиниши қайд этилди.

ИҚТИДОРСИЗ БОЛА БЎЛМАЙДИ

Иқтидорсиз бола бўлмайди, дейдилар. Айниқса, жаҳон илм-фанига буюк намоёндаларни етказиб берган миллатимиз генофонди жуда бой. Президентимиз таъбири билан айтганда, олдимизга Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улўф мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобуларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз кун тартибидagi асосий масала бўлиб қолмоқда. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш миллий ғоямизнинг асосий устунларига айланиши лозим.

Юқорида келтирилган йиғилишда фарзандларимиз жуда иқтидорли экани, фақат уларни тўғри йўналтириб, мақсадли тайёрлаш заруратига урғу берилгани бежиз эмас. Шу маънода давлатимиз раҳбари ёшларни нуфузли хорижий университетларда ўқитиш масаласига алоҳида тўхталди. Бу бўйича аниқ вазифалар ўртага ташланди.

Хусусан, “Президент иқтидорли фарзандлари” миллий дастури йўлга қўйилиб, Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб ташкил этилади. Унга 8-синф битирувчиларидан 60 нафари саралаб олиниб, рейтингги юқори олийгоҳларга мақсадли тайёрланади.

Бундан ташқари, Президент ва ихтисослашган мактаблардан 208 нафар маслаҳатчи умумтаълим мактабларига бириктирилади. Бу маслаҳатчилар мактаблардан ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчини селекция қилиб, АҚШнинг Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби рейтингги юқори олийгоҳларига тайёрлайди.

Энди илғор хорижий тажриба асосида мактабга тайёрлов гуруҳлари ва бошланғич таълим ўқув дастурлари ўзаро уйғунлашади. Бунинг учун боғча болаларини математика, табиий фанлар ва технология йўналишларида танқидий ва креатив фикрлашга ўргатадиган дастурлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, боғча тарбиячиларининг малакаси, маҳорати ва психологик тайёргарлигини ошириш учун касбий сертификатлаш тизими жорий этилади.

Бахтиёр ТАШЕВ, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати:

- Йиғилишда ёш авлод таълим-тарбиясида педагог ҳодимларнинг ўрни эътироф этилиб, бу борада ҳам муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Яъни, ёшларга чуқур билим бериб, уларни турли танлов, олимпиадаларга тайёрлаш, Ватанимизни дунёга танитишда билимли, тажрибали педагоглар кўпчилигини ташкил этади. Юртбошимиз бундай фидойи ҳодимларнинг ойлик маошларини ошириш, уларни ҳудуд раҳбарлари томонидан турли тадбирлар-у йиғилишларга жалб этмаслик ҳақида билдирган ўринли фикрлари ҳар бир педагог кўнглидаги гап бўлди, десам янглишмайман.

Ўқитувчи-педагогларнинг манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш уларнинг касбий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ҳар бир ўқитувчи ўз устида изланиши, соҳага янги ғояларни татбиқ этиши, энг муҳими, ёшлар билан ишлаши учун вақт ва имконият топа олади. Педагогларнинг аттестация жараёнларини соддалаштириш, ҳар йили 5 нафардан устознинг хорижий давлатларда малака ошириб келишлари, нодавлат олий таълим муассасаларида сифатли кадрлар тайёрлашга

этиборнинг кучайтирилаётгани таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини кафолатлаши шубҳасиз.

Матлуба ТҶЙЧИЕВА, Ўзбекистон ХДП Бўстон туман кенгаши раиси:

-Бугун дунё тобора таҳликали бўлиб борапти. Геосиёсий қарама-қаршиликлар жиддий тус олаётгани тинчликсевар давлатлар учун ҳар дақиқани синонга айлантираётган бўлса, инсонларнинг, айниқса, янги авлоднинг интернет ва ижтимоий тармоқларга қарамлиги, зўравонлик ҳамда маънавий-ахлоқий оғишларнинг ортаётгани жиддий хулоса чиқаришни ва кечиктириб бўлмайдиган чораларни қуришни тақозо қиялпти.

Йиғилишда ушбу масала ҳам этибордан четда қолмади. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига қўмаклашиш мақсадида жойлардаги “Баркамол авлод” мактаблари, “Ёшлик” спорт жамияти ва Ўқувчи ёшлар маркази ягона тизимга бирлаштирилиб, уларда хорижий тиллар, сунъий интеллект, дастурлаш ва анимация каби янги тўғрақлар очиладиган бўлди. Ўқувчилар ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича ҳам янги тизим шакллантирилиши, Қорақалпоғистон, Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва пойтахтдаги “Баркамол авлод” марказларида камиди 100 ўринли “Болалар сайёҳлик базаси” ташкил қилиниб, ҳар йили 1 миллион ўқувчи учун Ўзбекистон бўйлаб саёхатлар уюштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Мутахассислар Ўзбекистон яқин истиқболда ноёб демографик дивидентни қўлга киритиши, 2048 йилга бориб мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони тарихий пик даражасига етиши кутилаётганини прогноз қилмоқдалар. Бундай шароитда Ўзбекистон фақат жисмоний меҳнатга асосланган ишчи кучини етказиб берадиган давлат бўлиб қолмаслиги, аксинча, интеллектуал капитали билан жаҳон майдонида пешқадамларга айланиши учун бугун таълим-тарбия тизими том маънода янги босқичга чиқмоғи ҳаётий зарурат. Иқтисодий юксалиш, камбағаллик ва салоҳиятли кадрлар миграциясини қискартириш, ишсизлиқни бартараф этиш ҳам мана шундан бошланади.

Облоберди ОЛИМОВ, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

-Йиғилишда бугун кўпчилиكنи ўйлантираётган муаммо - болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш, бунинг учун миллий контент яратишни жадаллаштириш масаласига яна бир бор диққат қаратилди. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурда Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилиниши кўзда тутилаётгани қувонarli, албатта.

Президентимиз «Менинг маҳаллам – менинг фахрим» лойиҳаси доирасида 100 минг ёш волонтерларни ижтимоий ёрдам кўрсатишга жалб этиш таклифини ҳам билдирди. Ёш депутат сифатида мен ушбу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлайман, чунки бу лойиҳа ёшларнинг жамиятга фаол қўшилишини таъминлайди ва уларда ижтимоий масъулият ҳиссини шакллантиради, ахлоқий кадриятларнинг бардавомлигини кафолатлайди.

Халқаро тажрибадан маълумки, ёшларнинг волонтерлик фаолияти ҳар тарафлама фойдали ва самарали. Масалан, Финляндия ва Сингапурда ёшлар ўзлари яшаётган ҳудуддаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиб, билим ва кўникмаларини жамиятга фойда келтириш учун йўналтирадилар.

Бу лойиҳани амалга ошириш орқали ёшлар билан бирга жамиятдаги муҳим муаммоларга ечимлар топишимиз мумкин. Шунинг баробарида ука-сингилларимиз волонтерлик фаолиятида катта ҳаётий тажриба орттириб, турли қийинчиликлар қаршисида чидамлилиқ, биргаликда иш олиб бориш каби кўникмаларни ўзлаштирадилар.

Президентимиз илгари сурган айти тақлиф ёшлар учун, шубҳасиз, катта имкониятдир. Биз, депутатлар эса бу жараёнда четда турмай, ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишда фаол бўлсак, ука-сингилларимизнинг таълимга оид муаммо ва ташаббусларини тингласак ҳамда ижтимоий барқарорликка ўз улушимизни қўшган бўламыз.

Фарида МАҲҚАМОВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.



МУЛОҚОТ ТАШАББУСГА ЧОРЛАЙДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Аммо бу соҳада кутилган натижага эришиш учун аввал бир қатор муаммоларни ҳал қилиш керак. Масалан, жойларда хорижий тил ва IT мутахассислари етишмовчилиги, барча мактаблар ҳам лингафон хоналари, замонавий компьютерлар билан таъминланмагани таълим самарадорлигига таъсир қилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган мунозара клубининг навбатдаги сессиясида ҳам айни шу долзарб масала, яъни, мактаб ўқувчиларини чет тиллар, IT ва бошқа замонавий фанлар бўйича ўқитиш ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Иштирокчилар муаммоларни очик-ойдин таҳлил қилишди, уларни ҳал этиш йўллари бўйича таклифлар билан чиқишди.

ИСЛОҲОТЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА

Клуб сессиясида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги ташкилотларнинг масъул мутахассислари ўз тақдироти билан иштирок этди ва соҳадаги ислохотлар ҳақида батафсил ахборот берди. Ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз, кейинги йилларда юртимизда мактаб таълимини ривожлантириш, инновацион технологиялар имкониятидан фойдаланиш, бу бўйича ўқувчиларнинг билимини оширишга қаратилган катта ишлар олиб боришмоқда. Иккинчи хорижий тил (немис, француз, корейс, хитой, япон ва инглиз тили) ўқитиладиган мактаблар сони 354 тага (2023 йилда – 208 та) етказилди. Умумтаълим мактабларига хорижий давлатлардан 500 нафар чет тили фани ўқитувчиси жалб этилган. Бундай янгиликлар натижасида ўқувчиларнинг тил билиш даражаси 5 фоиздан 15 фоизга ошган.

2020 йилда қабул қилинган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури доирасида мактабларда IT таълимини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Президентнинг 2022 йил 14 апрелдаги фармони асосида IT ва аниқ фанлар бўйича ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Уларда интерактив доскалар, компьютер синфлари ва интернет ресурслардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. 2 213 та мактабнинг компьютер синфи янгиланди. Махсус дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Масалан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида “Coursera” платформаси орқали 116 минг нафардан ортик (2023 йилда 62 минг нафар) ўқувчи рўйхатдан ўтиб, уларнинг 104 минг нафари (2023 йилда 57 минг нафар) халқаро сертификатни кўлга киритди. Хорижий тил сертификатига эга бўлган педагоглар сони 16,6 мингдан 29 минг нафарга, ўқувчиларнинг улуши эса 19,4 мингдан 37,1 минг нафарга етказилди. Бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 3,3 карра ошган. Партиямиз фаоллари, депутатлари ва соҳа мутахассислари нафақат мавжуд ҳолат атрофида мулоҳаза юритишди, балки муаммоларга биргаликда ечим ҳам изланди. Чет тиллар ва IT таълим соҳасидаги қонунчилик қай даражада самара бераётгани, қонунчиликка киритилиши мумкин бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳусусида сўз юритилди.

НИМА УЧУН МУҲИМ?

Зухра ШАДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ҳозир дунё жадал ривожланяпти. Тез ўзгарувчан технологиялар билан яшаётганлигимиз сабабли болаларимизга чет тили ва IT кўникмаларини ўргатиш кечиктириб бўлмайдиган масала. Охириги пайтларда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Илгари тажрибамизда бўлмаган Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган мактабларнинг тармоғи кенгайди. Янги дарсликлар, янги

ўқув қўлланмалар яратилди. Энг муҳими, янгича рух, янгича муҳит пайдо бўлди. Юртимизнинг исталган ҳудудига бориб, ўқувчилар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг аксарияти хорижий тил ва IT соҳасини ўрганаётганини, унга қизиқиши борлигини айтишади. Таълимда ушбу соҳа ҳозир кенг тарқалган ва ёйилаётган тенденция ҳисобланади. Бу болаларимизнинг мактабдаёқ чет тилини ўрганиш ва касб-ҳунар, компьютер саводхонлигини пухта ўзлаштириш кўникмалари ошаётганида намоён бўлмоқда. Хорижий тил ва IT таълимининг аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, буні 3 йўналишда кўриб чиқамиз. Яъни, бу глобал рақобатбардошлик, иқтисодий ривожланиш ва илғор технологияларга кириш учун муҳим. Изоҳлайдиган бўлсак, хорижий тилни ўрганиш ёшларга глобал миқёсда ўқиш, ишлаш ва ҳамкорлик қилиш имконини беради. Ахборот технологиялари соҳасида таълим олиш замонавий касблар учун зарур билим ҳамда кўникмаларни ҳосил қилади. Хорижий тил ва IT таълими орқали ёшлар халқаро компанияларда ишлаш ёки ўз стартапларини яратиш имкониятига эга бўлади. Бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, дастурлаш, сунъий интеллект, интернет технологиялари ва бошқа илғор соҳаларни тушуниш ёшларнинг касбий ва шахсий ривожланишини қўллаб-қувватлайди.

ХЎШ, МУАММО НИМАДА?

Депутатлар, партия фаоллари жойлардаги назорат-таҳлил хулосаларидан келиб чиқиб, тизимдаги муаммоларни муҳокама марказига очик-ойдин олиб чиқишди. Унга кўра, бевосита тил ўрганишни жадаллаштирувчи баъзи дарслик, манба, қўлланма ва ресурслар услубчилар, дарслик тузувчилар томонидан тўғри танланмаган. Яъни, уларни тузиш ва яратиш чоғида ўрганувчиларнинг жисмоний ва руҳий имкониятлари ҳисобга олинмаётти. Айрим мактабларда хорижий тил ва IT фанлари бўйича ўқитувчилар етишмайди. Бу айниқса, олис ҳудудларда яққол сезилади. Баъзи таълим муассасалари замонавий компьютерлар, лингафон хоналари билан тўлиқ таъминланмаган, интернет тезлиги паст. Бу эса тил ўрганиш ва IT таълими синитини пайсантиради. Шунингдек, синфдаги ўқувчилар сонининг кўплиги ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш ва эътибор беришни қийинлаштирмоқда. Ҳар янги ўқув йили бошида мактабларда ўқув дарсликлари етишмовчилиги кузатилади. Хусусан, хорижий тиллар бўйича дарсликлар етишмайди. Жамият тараққиёти амалга оширилаётган ислохотларнинг қўлами ва мантиғига боғлиқ. Қайси соҳа эътиборга муҳтожлигини вақтида илғаб, чуқур ва ҳар томонлама ўйлаб амалга оширилган ислохотларгина тараққиётга йўл очади, ривожланишга туртки беради. Албатта, тизимда бажарилаётган ишлар замирида бугунги муаммоларни ечиш билан бирга узоқ келажак ҳам кўзланган бўлиши лозим. Айнан биз юқорида санаб ўтган муаммолар туфайли ҳам бугун тизимда ёндашувни ўзгартириш, соҳага замон билан ҳамнафас янгиликларни олиб кириш масаласи ўртага қўйилмоқда.

ҚИЗГИН САВОЛ-ЖАВОБЛАР

ЎзХДП «Мунозара майдони» клуби сессиясида таълим тизими кейинги йилларда коррупцион ҳолатлардан жиддий тозалангани, бу борада катта натижаларга эришилаётгани, айниқса, олий таълимга киришдаги адолатсизликлар барҳам топгани эътироф этилди.

Жавоҳир Бектурдиев шу савол билан мутахассисларга юзланди:

– Мактаб ўқитувчиларини ишга қабул қилишда инсон омилини камайтириш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

МУНОЗАРА МАЙДОНИ

Қаҳрамон АЛИМАРДОНОВ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бўлим бошлиғи:

– Янгидан қурилаётган мактабларда вазирликнинг тегишли қарори билан танлов асосида педагоглар ишга қабул қилинмоқда. Масалан, 3-4 йил олдин Сергели туманида қурилган мактабларнинг ҳаммасида тест ўтказилди ва юқори балл олган ўқитувчиларимиз саралаш асосида ишга қабул қилинди. Ўқитувчининг обрўси тушган, ўқитувчилик касбини танлаш камайган пайтда педагог кадрларга ўз-ўзидан эҳтиёж пайдо бўлди. Бу эҳтиёж қоплангандан кейин эса биз уларни танлов асосида ишга қабул қилиш амалиётини йўлга қўйдик. ***

Мактабларда давлат таълим стандартига мувофиқ хорижий тиллар B1+ даражасигача ўқитилиши назарда тутилган. Лекин, шунга қарамай ўқувчилар қўшимча курсларга боришга, ота-оналарини ортиқча харажатга қўйишга, қимматли вақтини йўқотишга мажбур бўлишмоқда. Партия вакили Мухсидин Низомиддинов нима учун ўн бир йил таълим олган ўқувчилар инглиз тилида эркин сўзлаша олмаслиги бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги вакилидан изох сўради.

Шахло ТЕМИРОВА, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи:

– Албатта, ҳар бир ота-она фарзандининг яхши билим олишини хоҳлайди. Вазирлик бу борада ҳар бир қатлам учун, яъни, олис ҳудудлардаги ёки шаҳар марказидаги ўқувчилар учун бир хил имконият яратишга ҳаракат қилапти. Мактабларда давлат таълим стандартига мувофиқ хорижий тиллар B1+ даражасигача ўқитилиши назарда тутилган. Бунинг учун қаттиқ ҳаракат қилиняпти. Қўшимча тўғаракка бораётган ўқувчилар эса B2 ва C1 даражасидаги сертификатни олишга мувоффақ бўлишаётганини кўриш мумкин. Менинг назаримда, бу табиий ҳолат. ***

IT га қизиққан кам таъминланган оила фарзандларига имтиёзлар борми? «Мунозара майдони» клуби сессиясида Ўзбекистон ХДП электорати бўлган кам даромадли оилалар фарзандларининг замонавий касбларни ўрганишлари учун давлат томонидан белгиланган имтиёзлар ҳақида савол бўлди. IT соҳасига ёшларда қизиқиш катта. Лекин, махсус курслар қимматлиги сабабли кам даромадли оилалар фарзандлари қийинчиликларга дуч келяпти.

Ҳакимбек РАҲМАТОВ, ЎзХДП фаоли:

– Давлат томонидан бундай оила фарзандлари учун қандай имтиёзлар бор? Улардан фойдаланиш учун кимга, қандай мурожаат қилиш керак? **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Сарвар МЎМИНОВ шундай жавоб берди:** – Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда ёшларни IT соҳасига жалб этиш мақсадида курслар ташкил этилган. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларидаги информатика фани хоналаридан фойдаланган ҳолда бу курсларга қатнашишлари мумкин. Шунингдек, “1 миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида бепул ўқитиш курслари ҳам амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида 500 мингдан ортик ўқувчилар бепул сертификатни кўлга киритишди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам бу имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.

Мунозара майдонида IT таълими билан кўпроқ ёшларни қамраб олишга қаратилган оммавий дастур ва лойиҳалар тўғрисида ҳам сўралди.

Сарвар МЎМИНОВ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– Биринчи навбатда тўхталадиган бўлсак,

информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Яъни, улар миллий сертификатга эга бўлса, 50 фоиз устам олиш имконияти мавжуд. IT ўқув марказларида рўйхат бор. Рўйхатдаги курсларни тугатган ўқувчиларимиз учун уларнинг ўқишга кетган харажатлари қоплаб берилади. Масалан, яқинда “1 миллион дастурчи” лойиҳаси бўйича қорақалпоғистонлик ва навоийлик мактаб директорлари “Спарк” автомобили билан тақдирланди. ***

Иштирокчилар, шунингдек, IT парklar қурилиши, ёшларни, ҳатто болаларни рақамли саводхонликка ўргатиш, уларни ёлгон ахборотдан ҳимоялаш, ёшлигидан дастурлашни, хорижий тилларни сифатли ўргатишда ўқитувчининг малакаси ва маҳоратини ошириш бўйича саволлар билан мутахассисларга юзланди.

ИШТИРОКЧИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Сирожиддин ШОНАЗАРОВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси в.б: – Бугун мунозара клубида кўрилган мавзу энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки хорижий тилларни билмаслик ва уларда сўзлаша олмаслик ёки IT йўналишини яхши ўзлаштирмаслик ёшларнинг кўп имкониятлардан фойдаланиш даражасини чеклайди. Уларга муносиб шароит яратиш, билим ва кўникмаларини бойитишнинг йўллари излаш эса Ўзбекистон ёшлари учун қилинган энг хайрли ишлардан бўлади. Бир нарсани унутмаслик керак. Ўйлашимча, дастурлаш фақатгина код ёки рақамлар ёзишдан иборат эмас. Бу сунъий идрок ёрдамида ақлни чархлаш дегани. Хорижий тилларни ўрганиш учун эса ўткир зеҳн ва яхши хотира керак. Ҳар икки йўналишда ҳам ёшлар алгоритмлаш, мантиқий фикрлашни ўрганади. Давлат ва жамият бир-бирига боғлиқ экан, жамиятни ривожлантириш, уларга имкониятларни кенгайтириш орқали мақсадга тезроқ эришиш, ривожланишни жадаллаштириш мумкин.

Малика РАШИДОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– “Илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмагай”. Бир неча асрлар олдин Имом Бухорий айтган бу ибратли жумла ҳали-ҳануз кун тартибидан тушмай келмоқда. Зеро, аслида ҳам илмсиз инсон на ўзига, на яқинлари ва на жамиятга фойдалидир. Шу маънода, таълим соҳасини ривожлантириш, замонавий билимларни ёшларга ўргатиш долзарб масала саналади. Охириги 5-6 йилда мактаблар сони 6,5 фоизга ошиб, 10 750 тани ташкил этмоқда ва уларнинг 530 тасида инклюзив таълим йўлга қўйилди. Муҳими, ҳар бир чора-тадбир ҳуқуқий мезонлар устига қурилиб, фуқароларнинг қонуний манфаатлари таъминланяпти. Масалан, 2024 йилнинг ўзида таълим тизимини ривожлантиришга оид 2 та қонун, 4 та фармон, 9 та қарор ва 18 та ҳукумат ҳужжати қабул қилинди. Бундан кўринадики, бугун сессияда кўтарилган мавзу нафақат Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг, балки давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. ***

Мунозара майдони қизгин баҳсларга гувоҳ бўлди. Ҳеч бир савол жавобсиз қолмади, яхши таклифлар айтилди. Муаммоларнинг, одамларнинг эҳтиёжларига алоқадор ҳар қандай масаланинг халқ вакиллари ва мутасадди вазирликлар, ташкилотлар иштирокида муҳокама марказига қўйилишининг ўзи катта натижа. Бунда қоғозларсиз, бевосита ҳар икки тараф юзланади, кўз-кўзга тушади. Мониторда аниқ таҳлиллар кўрсатилади. Бу фикрлар, қатъий саволлар ва асосли жавоблар шунчаки миңбар учун айтилмайди. Таклифлар қонунчиликда акс этади, муаммоларни бартараф этишга қаратилган чоралар белгиланади. Мулоқот ташаббусга чорлайди, масалага икки томоннинг кўзи билан қаралади. Бу эса одамларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни ечиш учун муҳим қадам бўлиши, шубҳасиздир.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси:

ВАЪДАДАН КЎРА, АМАЛИЙ
ҲАРАКАТ ВА НАТИЖА МУҲИМ

Кейинги йилларда Сирдарё катта ислохотлар майдонига айланди. Азим Сайхун дарёси соҳилларидаги сўлим бу воҳа мамлакатимизнинг марказида жойлашгани учун шарқий ва ғарбий вилоятларни бир-бири билан боғлаб туради. Аҳоли сони камлиги ва ҳудуднинг кичиклигига қарамай, ушбу вилоят ўзининг географик жойлашуви ва бир қатор хусусиятлари билан мамлакат иқтисодиётида муҳим рол ўйнайди.

Сирдарё республиканинг иккита томонидан икки давлат билан чегарадош бўлган учта вилоятдан биридир. Пойтахтимизга яқинлиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қайта ишлаш учун етарли хом ашё базаси мавжудлиги, саноат ривожини, қўлай инфратузилма объектлари билан ҳудуд катта салоҳиятга эгаллигини яққол кўрсатиб турибди.

Бугун вилоятда партияимизнинг 54 нафар депутати бор. Шундан 9 нафари халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутат бўлса, 45 нафари туман ва шаҳар Кенгашларидаги вакилларимиздир. Аъзоларимиз сони 35 минг нафарга яқин, бошланғич партия ташкилотлари 509 тани ташкил этади. Вилоятдаги бугунги ўзгариш ва янгиланишларда уларнинг ҳиссаси борлиги биз учун қувончли, албатта.

Англаганингиздек, маҳаллий Кенгашлар учун ажратилган саҳифамизнинг бу галги меҳмони ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Шерали Мамадеев бўлди. Сўхбатдошимиз саволларимизга ўз нуқтаи назари, кузатувлари ва фаолиятдан келиб чиқиб жавоб берди.

– Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ХДП катта куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмоқда? Кўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима дейиш мумкин?

– Вилоятимизда мамлакатимиз аҳолисининг 2,5 фоизи истиқомат қилади. Сирдарё табиий географик ҳолати ва топонимиясига кўра, бошқа вилоятлардан катта фарқ қилади. Чунки, бу ҳудуднинг уникал жиҳатлари бор. Шунинг учун ҳам охириги йилларда вилоятимиз катта воқеалар, муҳим тажрибалар марказида турибди. Ишонинг, бугунги Сирдарё кечаги Сирдарё эмас!

Барча соҳалардаги, энг муҳими, одамлар онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар янги Ўзбекистон, ўзгараётган Сирдарёнинг ҳақли равишда янги тарихи бошланганидан дарак беради. Ислохотлар шиддатига мос равишда партия ташкилотларимиз ва депутатлар ҳам фаоллашмоқда.

Ҳудудларда билимли, салоҳиятли депутатларимиз жуда кўп. Депутатлик гуруҳлари халқнинг фикри ва муаммоларини, хоҳиш-истакларини яхши билиш, мурожаатларини эшитиб, уларни ҳал этишда шижоатли ва ташаббускор бўлишга жон-жаҳди билан киришган.

Сўнги пайтларда маҳаллий вакиллик органлари функцияларининг тизимлаштирилиши, хусусан, жамоатчилик назоратига оид ваколатларнинг аниқ белгиланиши Кенгашларнинг, депутатларнинг ва жойлардаги партия ташкилотларининг режали ва самарали фаолият юритиши, сифатли қарорлар қабул қилишларига ёрдам бермоқда.

Масалан, ҳар бир маҳаллий Кенгашда аҳолининг муаммолари ва эҳтиёжларини аниқлаш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш ва муҳокама қилиш тизими йўлга қўйилган.

Ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларда парламент ва депутатлик назорати олиб бориляпти. Кейинги пайтларда мамлакатимизда ислохотларнинг марказий нуқтасига чиқаётган муҳим соҳаларга оид қатор масалалар сессиялар кун тартибига киритилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳар бир сессияда саволлар, таклифлар ва танқидий фикрлари билан фаол қатнашмоқда.

Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларимиз томонидан 2025 йилнинг 1-чораги давомида 75 дан ортиқ депутатлик сўровлари жўнатилди. Бу сўровларнинг 65 таси ижобий ҳал этилди.

Партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қошида ташкил қилинган жамоатчилик қабулхоналарига 130 тага яқин мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг аксарият қисми ижобий ҳал қилинди.

Улар асосан, коммунал соҳа, бандлик, иш ҳақи, нафақа ва пенсияларни ўз вақтида ололмаслик, моддий ёрдам, соғлиқни сақлаш, таълим, банк кредити ва бошқа масалалар юзасидандир.

Кўриниб турибдики, жойларда ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Фуқароларни ўйлантираётган ижтимоий масалалар қай даражада самара ва натижа бераётгани депутатлик назоратини олиб бориш давомида янада яққол, аниқ кўринади. Қонунлар, қарор, дастурлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг ижроси, яъни, рўйбини билиш учун кўпроқ одамлар орасида бўлиш, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб бориш керак. Муҳими – мана шу ишни сидқидилдан бажаришда.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида депутатларимиз томонидан сессияга 9 та масала киритилган. Уларнинг ижроси бўйича доимий депутатлик назорати ўрнатилган. Сессияда қабул қилинган қарорлар ижросини ҳар ой алоҳида йиғилишда кўриб чиқамиз. Вилоят, туман-шаҳар депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳамда партия кенгашлари ҳамкорлигида ҳудудларда сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.

Кўзга кўринарли муҳим ташаббусларга тўхталадиган бўлсам, биз бир қатор лойиҳаларимиз билан маҳаллаларга, сайловчилар орасига кириб боряпмиз, улар билан елкама-елка туряпмиз.

Масалан, вилоят партия кенгаши томонидан ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича 100 дан ортиқ лойиҳалар, форумлар ўтказилди. Жумладан, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш мақсадида «Сафимиздаги ёшлар» лойиҳаси, «Депутат ва ёшлар» форуми, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови, шунингдек, йигит-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизлик даражасини камайтиришга қаратилган 20 дан ортиқ пресс-клублар ташкил қилинди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ҳамда болаларга нисбатан зўровонликларнинг олдини олиш мақсадида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ойлуги», «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни касб-ҳунар ўрганишга жалб этиш мақсадида «Ижтимоий ҳимоядан - ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси доирасида 50 дан ортиқ тадбирлар амалга оширилди.

– Сиз вилоят партия кенгаши ишидан шахсан ўзингиз қониқасизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар сизнингча, нималардан иборат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжийди?

– Шубҳасиз, партияимиз кенгаши ҳозирги кунда бир қатор муҳим ташаббусларни илгари суриб, ижтимоий адолат ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Биз аҳоли билан мулоқотни кучайтириш, мурожаатларни ҳал этиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва маҳаллий муаммоларни ҳал этиш борасида катта саъй-ҳаракат қиляпмиз.

Албатта, ишимиздан қониқадиган жиҳатлар жуда кўп. Аммо бу барча ишлар рисоладагидек дегани эмас. Янада фаол ишлаш, катта-катта ташаббуслар билан чиқиш учун ишга солинмаган имкониятларимиз бор, шундан унумли фойдаланишимиз керак. Сиёсий ташкилот сифатида доимо ўз фаолиятимизни таҳлил

қилиб, ривожланиш йўлларини излашимиз зарур.

Партияимиз аъзолари сонини кўпайтириш борасида йилдан-йилга ошиб бораётган тенденция кузатилса-да, аммо умумий сайловчилар сонига нисбатан олганда бу етарли эмас.

Масалан, айтилик, партияимиз аъзолари сони 2019 йилда 19 765 нафар бўлган бўлса, ўтган вақт мобайнида 14877 нафарга ёки 75 фоизга ортиб, 2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига 34 642 нафарни ташкил этмоқда. Аммо бу вилоятдаги умумий сайловчилар сонининг атиги 6,4 фоизини ташкил этади. Айниқса, партиялар учун ҳамиша муҳим сиёсий тадбир бўлган сайловларда бу муаммо яққол сезилади.

Шу билан бирга, партияимиз сафини ошириб боришда фақат сон эмас, сифатдан жиҳатдан ҳам ўсишга алоҳида урғу беришимиз кераклигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам жорий фаолиятимизда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини, халқ орасида обрў қозонган жамоатчилик фаолларини партия сафига қабул қилишга кўпроқ эътибор қаратяпмиз.

Йўл қўйилаётган асосий хатолардан бири – ташаббусларнинг фақат “қоғозда” қолиб кетишида, деб ўйлайман. Тўғри, партия томонидан кўтарилган муаммолар бўйича жиддий таҳлил

“

БУНДАН ТАШҚАРИ,
ЖАМОАТЧИЛИК ВА
ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ
ОРҚАЛИ НОРАСМЙ ИШ
ЎРИНЛАРИ САЛМОҒИНИ
КАМАЙТИРИШ, ЯШИРИН
ИШ ЎРИНЛАРИНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ВА БУ
ОРҚАЛИ ЭЛЕКТОРТИМИЗ
ВАКИЛЛАРИ, ЁШЛАРНИНГ
БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИНИ
ҚАНЧАЛИК КЎП
ТАЪМИНЛАСАК, УЛАРНИНГ
ПАРТИЯМИЗ ВА УНИНГ
ДАСТУРИГА БЎЛГАН
ИШОНЧНИНИ ОРТТИРАМИЗ.

ўтказилса-да, уларни амалга ошириш механизми етарлича ишлаб чиқилмаяпти. Масалан, партия депутатлари маҳаллий Кенгашларда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб таклифлар билан чиқади, сессия қарорларини қабул қилади, лекин уларни амалга ошириш учун етарли назорат тизими ёки ижро механизмлари мавжуд эмас. Бу эса ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилишида сусткашликка олиб келади.

Сўзимнинг бошида таъкидлаганимдек, ҳозир Сирдарё катта ислохотлар майдонига айланган. Ҳар бир ҳудуднинг меҳнат салоҳияти, аҳолининг талаби, жойлашуви, иқлимидан келиб чиқиб, инвестицион лойиҳалар устида ишланмоқда. Биз ҳам бу жараёнда фаоллик кўрсатишимиз керак. Чунки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, ҳолатидан келиб чиқиб амалга ошириладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватласак, бу орқали янги иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшамиз.

Бундан ташқари, жамоатчилик ва депутатлик назорати орқали норасмий иш ўринлари салмоғини камайтириш, яширин иш ўринларини легаллаштириш ва бу орқали электортимиз вакиллари, ёшларнинг бандлик кафолатларини қанчалик кўп таъминласак, уларнинг партияимиз ва унинг дастурига бўлган ишончини орттираимиз.

– Ютуқлар ҳақида гапирдик, хато ва камчиликларга тўхталдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш масаласига тўхталсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади? Яна бир савол. Юқорида муаммоларни айтдингиз. Хўш, сиз бу муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оласизми?

– Дарҳақиқат, партиянинг жамиятдаги нуфузини ошириш бугунги кунда ҳар

қачонгидан ҳам долзарб масалалардан бири. Чунки келажақдаги сайловлар натижаларига бу жиддий таъсир этади. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиққанмиз.

Хусусан, халқ билан мулоқотни кучайтириш, партиянинг фаолияти ҳақида аҳолини кенгроқ хабардор қилиш, қарорлар қабул қилиш жараёнида, муҳим масалалар бўйича жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, бунда халқнинг фикрини эшитиш ва ҳисобга олишга алоҳида урғу бермоқдамиз.

Шунингдек, ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган лойиҳаларни кўпайтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жумладан, ўтган 2024 йил мобайнида “Сафимиздаги ёшлар” ҳамда “Ёш сиёсатчилар мактаби” лойиҳалари доирасида 108 та тадбир ўтказилиб, уларда 3730 нафар ёшлар қамраб олинган ва 2765 нафар ёшлар партия сафига қабул қилинган.

Юқорида айтиб ўтганимдек, партияимиз аъзолари сони сайловчилар сонига нисбатан 6,4 фоизни ташкил этади.

Шунинг учун ҳам келгуси фаолиятимизда партия сафини кенгайтириш, сайловчилар меҳрини қозониш, аҳолига янада яқинлашиш бўйича катта лойиҳаларни режалаштирганмиз. Асосий мақсадимиз мазкур лойиҳаларни самарали амалга ошириб, йил якунигача партияимиз аъзолари сонини кўпайтиришдир.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичи партия зиммасига нафақат ислохотларни қўллаб-қувватлаш, балки уларни амалга оширишда фаол иштирок этиш вазифасини юклайди.

Депутатлик бирлашмалари ва партия ташкилотлари фаолияти маълум мурожаатларни ҳал этиш билан бирга, ҳудудларда партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро ҳолати ҳақида аниқ хулосани шакллантириши керак, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан фаолиятимизнинг барча даражасида депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришни режалаштирганмиз. Бу орқали маҳалла, туман ва шаҳарларнинг ижтимоий ривожланиш ҳолатини тизимли равишда мониторинг қилишни мақсад қилдик.

Шунингдек, партияимиз ғоялари тарғиботини таъсирчан усулларда олиб боришимиз керак. Сайловолди дастуриимизда катта ғоялар ўрин олган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган яхши ташаббуслар илгари сурилган, одамларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Улар шунчаки гап эмас, электорат, халқимиз, жамият ва давлатнинг эртанги кунини янада яхшилашни кўзлаган аниқ мақсад-муддаолардир. Ҳозир жойларда дастур ижросига қатъий ва жиддий киришилган. Ана шу жараёнда ҳар бир фаолимиз ўз таклифи ва иштироки билан қатнашса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Дастурий ташаббуслар, таклифларимизни оддий, тушунарли тилда, ҳаётий мисоллар орқали халқимизга етказишимиз керак. Яна бир масала, партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур. Бу соҳаларни чуқур ўрганиш, таҳлил ва таклифлар кўпайиши учун хизмат қилади. Менинг фикримча, ваъдадан кўра, амалий ҳаракатлар ва натижалар муҳимроқ.

Умуман олганда, камчиликлар устида ишлаб, партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари нуфузини ошириш бўйича қатъий режаларимиз бор. Имкониятларимиз кўп, ваколатларимиз ҳам етарли. Ишонаманки, режаларимизнинг барчаси амалий натижаларимизда акс этади. Энг муҳими, халқ эҳтиёжларидан узилиб қолмасликка ҳаракат қиламиз.

Тўғри, амалга оширилаётган эътиборга молик ишлар кўп, лекин жараён тўхтаб қолмаслиги, вақт ўтгани сари изчил тўс олиши керак. Биз ҳам сирдарёлик фаолларимиз ва депутатлардан бундан кейин ҳам кўзга кўринарли ташаббусларни қутиб қоламиз.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Лазиза ШЕРОВА сўхбатлашди.**



“ОРЗУЛАР ДУНЁСИ” – ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Уларнинг орзуси бир олам. Ижодий салоҳияти, бадий диди, эстетик тафаккури ҳам ниҳоятда юксак. Улар тақдир синовлари қаршисида бўйин эгмади, тушкунликка тушмади. Яшашга бўлган иштиёқи сўнмади.

Қўл меҳнати асосида яратилган тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, наққошлик, каштачилик, зардўзлик намуналаридаги креатив ёндашувларни кўриб бунга яна бир бора амин бўласиз.

Халқ демократик партияси ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган “Орзулар дунёси” номли ижодий акцияни кузатиб, бунга гувоҳ бўлдик.

Ушбу ижодий акция Марғилон шаҳрида Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят Кенгаши ташаббуси билан ўтказилди. Орзу-умидлари бир олам болажонларимиз ўз ижодий салоҳиятини кўрсатишди, қизиқиши, истеъдодларини намоиш қилишди.

Ногиронлиги бўлган ёшларнинг ранг-баранг ижодий намуналари йиғилганларни ҳайратга солди.

- Ногиронлиги бор ёшларнинг ижодий



салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ушбу акцияни ташкил қилдик, - дейди ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Шохруҳ Ўктамов. – Шу жараёнда уларнинг чекланмаган иқтидор ва салоҳияти билан яқиндан танишдик. Яратувчанлик, бетакрор ижодий ёндашув ва ўз истеъдодини жамиятга кўрсатиш истаги – акциянинг асосий мақсади билан уйғун ҳолда намоён бўлди. Бу каби ташаббуслар ёшларнинг ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлайди, уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш орқали

инклюзив жамият барпо этишга хизмат қилади.

Тадбир доирасида кўргазма ва хайрия аукциони ҳам ташкил қилиниб, ундан тушган маблағлар ёш ижодкорларнинг кейинги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чора-тадбирларига йўналтирилади.

18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ногиронлиги бор ёшлар партиямиз ташаббуси билан Самарқандда ўтказилган “Орзулар дунёси” ижодий акциясининг ҳам иштирокчиси бўлишди. Унда янги истеъдодлар кашф этилди, иқтидор, салоҳият эгалари рағбатлантирилди.

Иштирокчилар ўз ижодий ишларини тасвирий санъат (расмлар, графика, ҳайкалтарошлик, санъат инсталляциялари) йўналишида тақдим этдилар. Ҳар бир иштирокчининг истеъдоди алоҳида эътироф этилиб, асарлари ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳаққоний баҳоланди.

Ғолиблар ва иштирокчилар ЎзХДП Самарқанд вилояти кенгашининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.



Термиз шаҳрида жойлашган Рўзи Чориев номидаги Сурхондарё ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати чексиз имкониятлар намоиши билан тўлди. ЎзХДП вилоят кенгаши Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ҳамда вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Орзулар дунёси» ижодий акциясида қўл меҳнати билан тайёрлаган маҳсулотлар намоиш этилди.

- Ногиронлиги бор инсонлар жамиятда ўз ўрнини топиши учун уларга ишониш, бироз тиргак бўлиш кифоя, - дейди ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Алишер Пардаев. – Уларнинг кўникма ҳамда қизиқишларини ривожлантириш, ўзига бўлган ишончини ошириш ва стереотипларни камайтириш учун ушбу акциямиз муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда ёшларимиз томонидан тайёрланган қўл меҳнати намуналарини кўриб, фарзандларимиз нақадар истеъдодли эканликларига амин бўлдим. Жамиятимизда бизнинг эътибор ва кўмагимизга муҳтож инсонларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш, доимо қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади.

Ўз мухбиримиз.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ҚИШЛОҚДАГИ ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИГА ОЛИНДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати М.Низомиддинов ва халқ депутатлари Паркент тумани Кенгаши депутати Х.Якубова томонидан Паркент тумани «Невич» қишлоғида «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида амалга



оширилаётган йўл қурилиши ишлари жойига чиқиб ўрганилди. Мазкур лойиҳа маҳалла аҳолиси томонидан илгари сурилиб, жамоатчилик овози асосида ғолиб, деб топилган эди.

Маҳалла аҳолиси томонидан йўлнинг айрим қисмларида асфальт сифати пастлиги юзасидан эътирозлар билдирилди. Депутатлар масалани ўрганиб чиқиб, тегишли соҳа вакиллари – қурилиш ташкилоти, техник назорат хизмати ва туман ҳокимлиги масъулларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар беришди.

Қўрилган чоралар ҳақида маҳалла аҳлига атрофлича маълумот бериладиган бўлди.

САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ

Ўзбекистон ХДП Шаҳрисабз шаҳар кенгаши томонидан 1-сонли оилавий поликлиникада тиббий кўрик ташкил этилди. Тиббий кўрикда шаҳардаги «Дўстлик», «Маърифат» ва «Барҳаёт» маҳаллаларидаги 21 нафар аёллар, уларнинг фарзандлари ҳамда 17 нафар кексалар сифатли бепул тиббий кўриклардан ўтказилиб, дори-дармонлар билан таъминланди.



Бундай кўрикларнинг ташкил этилиши нафақат ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами саломатлигини яхшилаш, шунингдек, соҳа вакилларининг масъулиятини янада ошириши ва Ҳуқуқларнинг ўз соғлиги ҳақида қайғуриши тарғиб қилиниши билан ҳам аҳамиятлидир.

ДЕПУТАТ ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

ЎзХДП Жомбой туман кенгаши депутати Д.Ҳамроева ўзи сайланган ҳудуд "Зарафшон" маҳалласида истиқомат қилувчи хотин-қизлар билан учрашув ўтказди.

Учрашув давомида депутат ҳудуддаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва маиший муаммолар юзасидан уларнинг мурожаатларини тинглади.

Сўхбат жараёнида аёллар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий муаммолар ва соғлиқни сақлаш тизими билан боғлиқ қатор масалалар кўтарилди.

Депутат мазкур муаммоларни жойида ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этилиши юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўрилишини билдирди.

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ ВА БАРҚАРОР БЎЛАДИ



ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан Урганч давлат университети талаба ёшлари иштирокида “Оилавий ажримларнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатлари” мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

Қайд этилдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

-Бугунги кунда оилалардаги зиддиятли вазиятларнинг келиб чиқиши, кўплаб оилаларнинг пароканда бўлиб кетиши, оилавий ажримларнинг юзага келиши ва энг ёмони, келажақ авлодлар, яъни, фарзандларнинг етим қолишига баъзида ёшларнинг ўзи, баъзида катталар сабабчи бўлмоқда, - деди ХДП Хоразм вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Н.Машарипова. – Шунинг учун фарзандларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оила масъулияти, эрта никоҳларнинг олдини олиш борасидаги тарғибот ишларини кучайтиришимиз керак.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.



ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

ОЙБАРАКЛИКЛАР МУАММОСИ ЕЧИМ ТОПАДИГАН БЎЛДИ

Ёғин-сочинли кунлар бошланиши билан айрим ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг ташвиши ортади. Кимдир электр энергияси таъминотидаги камчиликлардан гапирса, бошқа биров йўллардаги носозликлардан ёзғиради. Тоза ичимлик сувининг йўқлиги-ю, табиий газ етишмаслигидан сўзлайдиганлар кўпаяди.

Денов туманининг “Ойбарак” маҳалласи аҳлини эса кўприк масаласи қийнаб келмоқда. Бу борада ҳақли ва ўринли эътирозлар борлиги ҳақиқат. Ҳолатни атрофлича ўрганиш мақсадида аҳоли вакиллари ва фаоллар билан учрашдик.

– Йигирма бир йил шу маҳаллада раис бўлиб ишлаганман, – дейди Йўлдошали Юсупов. – Беш йилча олдин нафақага чиқдим. Адирликларга туташ манзилда қарийб 2 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилса, 500 дан ортиқ ҳўжалик бор. Юртдошларимизнинг 70 фоиздан ортиғи сойнинг юқори қисмида яшайди. Мактаб, шифохона, боғча ва бошқа муассасалар ҳам шу томонда. Аччиқ ҳақиқатни айтадиган бўлсам, қутилмаганда сел келиб қолса борми, кимдир ўнг қирғоқда қолиб кетади, бошқалар чап томонда соатлаб кўтишга мажбур. Фарзандларимизнинг мактаб ёки боғчага бормаган кезлари тез-тез кузатилади. Ота-оналар хавотир олса, устозлар доим ҳадикда. Нима қилиш ва қандай йўл тутишга ҳайронмиз.

– Қишлоқлар минг йиллар олдин пайдо бўлган экан, – дейди Шомўхаммад Бобоев. – Аждодларимиз азалдан кўприк йўқлигидан қийналган бўлса, ҳозир биз азоб чекаямиз.

Ҳолат шундай давом этаверса, фарзандларимиз ҳам шу кўйга тушиши муқаррар.

Кўпнинг дард-у ташвишига айланган масала юзасидан бормаган идорамиз, эшигини қоқмаган раҳбаримиз қолмади, ҳисоб. Денов тумани ва Сурхондарё вилояти ҳокимликлари, ободонлаштириш ҳамда йўлсозлардан тортиб, Халқ қабулхонаси-ю секторлар раҳбарларигача учрашдик. Ўнлаб ариза ва шшиличномалар жўнатилды. Масъуллардан бугун, эрта, индин, деган ваъдаларни эшитавериб, тўғриси, чарчаб кетдик.

Ҳа, айтмоқчи, икки йилча олдин “ўрхо-ур” билан “тўкилиб” кетган мана шу икки дона бетон “плита”ни олиб келишувди, денг. Катта йиғилиш ҳам ўтказилганди ўшанда. Юз чоғли киши қатнашган “машварат”да амалдорлар “Ойбарак”да икки ойда кўприк қуриш”ни ваъда қилишганди. Тўғриси, кўп асрлик орзулар

ушалишига ишонгандик. Кекса-ю ёш бирдек қувонганди. Қайдам, мансабдорлар қандай “шитоб” билан келган бўлса, худди шундай “шашт” билан зим-у ғойиб бўлишди.

– Одамлар дарёдан ўтишда ҳарсангтош ёки қўлбола нарвондан фойдаланади, – дейди Муродулло Ҳалимов. – Омонатгина “кўприкчалар”га қадам қўйишга кўрқасан, киши.

– Сой ўзанининг айрим жойлари 50-60 метр бўлса, баъзи ҳудудлари 80-100 метрдан ҳам ортиқ экан, – савол билан юзланаман суҳбатдошимизга.

– Шундай экан, улкан ва кенг дарё устига кўприк қуришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун аввало йирик маблағ, қолаверса, узоқ вақт талаб қилиниши табиий.

– Аслида, сой анча юқорида жойлашган “Сина”, “Сумбула”, “Дашти чинор”, “Кўёвсув” маҳаллаларидан ўтиб келади, – давом этади Муродулло ака кенгликларга юзланиб. – Президентимизнинг оқилона ва одилона сиёсати туфайли тўрт-беш йилда ана шундай чекка манзилларда бир нечта йирик кўприк қурилди. Бундан ташқари, “Сангардак”, “Хонжиза”, “Боботоғ”, “Оқмачит” каби тоғли ҳудудларда ҳам ўнга яқин улкан гидроиншоот барпо этилганидан хабаримиз бор. Шундан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсам, “Ойбараксой”

ўзанини қисқартириш орқали кўзланган мақсадга эришса бўлади. Бунинг учун маҳаллий раҳбарлар ташаббус кўрсатса бўлгани...

– Хўш, ойбаракликларнинг кўп йиллик муаммоси қачон ечим топади-ю қачон азалий орзулари ушалади. Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида туман ҳокимлигида бўлдик.

– Кўприк йўқлиги ҳақиқатан ҳам оғрикли масала бўлиб қолмоқда, – дейди Денов туман ободонлаштириш бошқармаси масъул ходими Холмурод Аллаев. – Бу борада йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси билан ўрганиш ишларини олиб бордик. Вилояти ҳокимлиги ва бошқа масъул ташкилотларга лойиҳа қиймати 8 миллиард сўм бўлган кўприк қуриш таклифини берганмиз. Йил охиригача замонавий йўл ўтказгич фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Шундан кейин юртдошларимизнинг узоғи яқин, мушқули осон бўлади.

Ҳар бир юмуш ўз вақтида бажарилса, эртанги кун ва келажакка ишонч уйғонади. Рўзгорлар обод, дастурхонлар файзли, кўнгиллар хотиржам бўлиши табиий. Биз ҳам ойбаракликларнинг кўп йиллик орзуси ушалишига умид қилиб қоламиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

РУМИНИЯ: ПРОФЕССОР ПРЕЗИДЕНТ БЎЛДИ

Халқаро майдонда юз бераётган сиёсий бекаорлик табиий равишда мамлакатлар ички сиёсатига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Буни Руминия мисолида яққол кўришимиз мумкин. Руминия Европа қитъасининг жанубий шарқида жойлашган. Аҳолиси 19 миллиондан ортиқни ташкил қилади. Мамлакат қонунчилигига кўра, Президентлик сайлови 2024 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтиши режалаштирилган эди.

2024 йил ноябрь оyi охирида Руминияда Президентлик сайловининг биринчи тури бўлиб ўтди. Биринчи тур натижаларига кўра, ўта ўнг, ЕИ ва НАТОни танқид қилган мустақил номзод Кэлин Георжеску қутилмаганда етакчи бўлиб олди. Сайловнинг иккинчи тури 8 декабрга белгиланган эди.

Лекин 6 декабрда Руминия Конституциявий суди Президентлик сайловининг биринчи тури натижаларини бекор қилди. ОАВ “ташқи кучлар” сайловга аралашгани ва биринчи тур фалобининг тарғиботи учун кенг қўламли компания ўтказилганини бунга сабаб қилиб кўрсатишди.

Шу тарика Руминияда Президентлик сайловлари жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтиши режа қилинди. 4 май куни бўлиб ўтган биринчи босқичда “Руминия бирлашуви учун альянс” ультрўнг партияси етакчиси Жорже Симон 41 фоиз, марказчи Никушор Дан эса овозларнинг бор-йўғи 21 фоизини қўлга қиритиб иккинчи босқичга ўтди.

Биринчи тур натижаларидан сўнг, кўплаб таҳлилчи ва экспертлар, ОАВлари Симоннинг ғалабасини башорат қилишди. 18 май куни бўлиб ўтган овоз бериш жараёнларининг иккинчи босқич натижалари эса бунинг аксини кўрсатди. Умумий сайловчиларнинг 64 фоиздан ошиғи иштирок этган айни босқичда пойтахт мэри, марказчи Никушор Дан 53,6 фоиз овоз билан ғалаба қозонди. Уни ёқлаб умумий сайловчиларнинг 6 миллиондан ортиғи овоз берган бўлса, “Руминия бирлашуви учун альянс” ультрўнг партияси етакчиси Жорже Симон 46,4 фоиз яъни, 5 миллиондан ортиқ сайловчиларнинг овозини олди.

Шу тарика Руминияда ЕИ ва НАТОга қўшилиш ҳамда Украинага ёрдам беришни давом эттириш тарафдори бўлган математик профессор Никушор Дан Президент бўлди.

Дан ғалабадан кейин ўз

ЕВРОПАДА САЙЛОВЛАР

САЙЛОВ — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ



тарафдорларига “Бу сизнинг ғалабангиз”, — деди. Ўз навбатида Симон ҳам мағлубиятнинг тан олди. У Руминия халқининг иродаси шу эканлигини айтиб, ракибини табриклаб, уни қўллаб-қувватлаган тарафдорларига миннатдорлик билдирди.

ГЕРМАНИЯ: НООДАТИЙ КАНЦЛЕР

Кейинги ҳафталарда халқаро майдонда энг кўп муҳокама қилинаётган шахслардан бири сўзсиз Фридрих Мерц бўлди. У 6 май куни Германия канцлери бўлиб сайланди. Кўпчилик таҳлилчилар ниҳоят Германияда дадил ва таваккалчи канцлер ҳокимиятга келди, деган фикрни билдирмоқда.

Хўш, у бунга қандай эришди?

Унинг сиёсий фаолияти 1989 йилда Европа парламентига депутат этиб сайланиши билан бошланган. Кейин 1994-2009 йиллар давомида Германия Бундестаги депутати бўлган.

2021 йилги Бундестаг сайловлари насроний-демократлар учун фалокатли бўлди. Натижада ХДИ партиясида раҳбарияти ўзгартириш масаласи кун тартибига чиқди. Мерц учун бу ажойиб имконият эди. У партия раҳбарлиги учун бўлган сайловда ғолиб чиқади.

У ҳукуматда ишламасдан партияни бошқарган биринчи сиёсатчи эди. 2025 йил 23 февралда Бундестагга навбатдан ташқари сайловлар бўлиб ўтди. Эътиборли жиҳати, сайловга бир неча кун қолганида айнан Мерц сўровномаларга кўра, энг истиқболли номзодлар рейтингида биринчи ўринни эгаллади.

Сайловларда ХДИ(Христиан демократик иттифоқи) ва ХСИ(Христиан социалистик иттифоқи) блоки биринчи ўринни эгаллади. Улар умумий овозларнинг 28,6 фоизини қўлга киритди. Мерц ғалаба қозонган партия номзоди сифатида ҳукуматни тузиш ҳуқуқини қўлга киритди. У сайловдаги ғалабадан сўнг, ташқи дунё Германияни қутиб турмаслигини айтиб, каолиция тузиш учун кўп вақт сарфламаслигини билдирди.

Мерц ўзининг сайловолди ташвиқотида 2015 йилда қочқинлар оқими бошланганидан бери Германияни камраб олган миграция инқирозига қарши курашга эътибор қаратди. Бундан ташқари, бу соҳада қатъий сиёсат юритилишини тарғиб қилди. Мерц Шолц ҳукуматининг бу соҳадаги сиёсатини танқид қилди ва ноқонуний мигрантларга қарши кураш бўйича бир қатор қатъий чоралар, жумладан, доимий чегара назоратини жорий этишни таклиф қилди.

Хусусий секторда ўн йилдан

ортиқ ишлаган Фридрих Мерц бу сайлов кампаниясида яна иктисодиётни эркинлаштириш ва бюрократияни қисқартириш муҳимлиги ҳақида гапирди. У, шунингдек, компаниялар учун солиқ имтиёзлари тарафдори, унинг фикрича, бу имтиёзлар иммиграция сиёсати харажатларини тежаш ҳисобига молиялаштирилиши керак.

Мерцнинг ташқи сиёсатга оид қарашлари трансатланitik кайфиятга эга. Яъни, у АҚШ – Европа Иттифоқи муносабатларини яқинлаштириш тарафдори. Қолаверса, унинг фикрича, ҳозирги шиддатли глобаллашув жараёни ва мувозанатлар ўзгараётган паллада Европа “ҳозиржавоб” бўлиши керак.

Бундан ташқари, Мерц АҚШ ва Россия бошлаган музокаралар жараёнида Украина ва Европанинг тўлиқ иштирокига эришишни муҳим, деб ҳисоблайди.

Мерц ташқи сиёсатни АҚШ республикачиларининг Европа ўз мудофааи учун масъулиятни ўз зиммасига олиши кераклиги ҳақидаги ғояларига мувофиқ олиб бориши мумкин. Сабаби, ХДИ ва ХСИ блокнинг сайлов дастури мудофаа харажатларини ЯИМнинг 3 фоизигача оширишни талаб қилади. Бундан ташқари, партия ҳарбий мажбуриятни қайтариш тарафдори.

Янги канцлернинг қақриқлари ва дастурий мақсадларини таҳлил қилиб қиққан кўплаб ОАВлари Германия сиёсий майдонида янги давр бошланаётгани ҳақида ёзишмоқда.

ПОЛЬША: ИККИНЧИ БОСҚИЧДА КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

18 май куни Польшада Президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Бу галги сайловларда сайловчилар мамлакат Президентлиги учун 13 та номзодга овоз берди. Сайловда умумий сайловчиларнинг 67 фоизи иштирок этди. Сайлов натижаларига кўра, Варшаванинг либерал мери Рафал Трзасковский кичик ҳисобда ғалаба қозонди, бироқ мамлакатнинг кейинги Президентини аниқлаш учун консерватив тарихчи Карол Навроски иштирокидаги иккинчи турни ўтказиш талаб этилади. Сабаби, 13 та номзоднинг ҳеч бири 50 фоиздан ортиқ овоз тўппай олмади. Яъни, Фуқаролик

платформаси партиясидан номзод Трзасковский 31,3 фоиз, Қонун ва адолат партиясидан номзод Навроски 29,5 фоиз овоз тўпплаган. Трзасковский ва Навроски энди 1 июнь куни бўлиб ўтадиган иккинчи турда рақобатлашади.

Биринчи босқич сайловларидан сўнг Польша жанубидаги Сандомиэрз шаҳрида бўлиб ўтган митингда Трзасковский ўз тарафдорларига: “Биз ғалаба қозонамиз”, деди. Аммо у кўп меҳнат ва “катта қатъият” кераклигини ҳам айтиб ўтди.

У амалдаги Бош вазир Доналд Туск коалицияси билан мамлакатдаги абортга оид қатъий қонунни либераллаштириш ва Польша суд тизимини ислоҳ қилишни тезлаштириш учун ҳамкорлик қилишга ваъда берди. Бу эса Қонун ва адолат партияси бошчилигидаги аввалги ҳукумат томонидан қонунийлаштирилган.

Польша Президенти унчалик катта ваколатларга эга эмас. Аммо у ҳукумат қонунчилигига вето қўйиши мумкин. Доналд Туск коалицияси парламентда Президент ветосини бекор қилиш учун етарлича ўринга эга эмас.

Амалдаги Бош вазир ўз сайловолди кампаниясидаги кўплаб ваъдаларини бажара олмади, бунга қисман амалдаги консерватив Президент Анжей Дуда сабаб қилиб кўрсатилади. Чунки у ҳукумат қонунчилигига вето қўйган.

Агар Трзасковский ғалаба қозонса Президентнинг ветосини олиб ташлайди. Лекин Навроски Президентликка келса ҳукуматнинг иши янада қийинлашиши мумкин.

Шундай қилиб амалдаги ҳукуматнинг фаолияти ҳам, унинг кейинги сайловлардаги натижалари ҳам қайсидир маънода 1 июнь куни бўлиб ўтадиган иккинчи босқич сайловларига боғлиқ.

Номзодлар ўртасидаги курашга келсак, кўп нарса қайси номзод иккинчи турда жоғибадор нутқлари билан сайловчиларни ўзига жалб қила олишига ҳам боғлиқ.

Сайлов – жамият кўзгуси. Унда халқнинг иродаси, хоҳиш-истаклари намоён бўлади. Қўриб турганимиздек, юқоридаги давлатларнинг ҳам бугунги таҳликали ва зиддиятларга бой даврда тараққиёт йўли, унинг келажакдаги ўрни қандай бўлиши сайлов натижаларига бевосита алоқадор.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

Мақолага тайёрланиш жараёнида Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзголами” спектакли эсимга тушди. Давлат мулкани талон-торож қилгани учун қамоққа олинган фарзандини 15 минг сўм пора эвазига чиқариб олмоқчи бўлган аёл Фармонбининг олдига келади. Ундан милиционер ўғли ёрдам беришини илтимос қилади. Фармонбиби эса ўғилларини чақириб шундай дейди:

- Болажонларим, мен сизларга ҳаром томоқ едирганманми? Ўғирлик қил, деб ўргатганманми?
- Йўқ, — дейди бир овоздан барча ўғиллар.
- Бир гапимни икки қилганмисизлар, ўртага тушсам пора оласизларми?



ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ “САРАТОН”

— Ойижон, сизни ҳурмат қиламиз, лекин бу илтимосингизга йўқ, деймиз.

— Ҳаммаларингга минг раҳмат! Минг марта қуллук, — деб Фармонбиби фарзандларига таъзим қилади. Фармонбиби пора таклиф қилаётган аёлга юзланиб:

— Энди хафа бўлмайсиз, меннинг ўғилларим шунақа, гапга кўнмайдиганлар хилидан, — дея кесатик қилади.

Ана шунинг ўзи ҳам фарзандларнинг “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлангани аввало, оиладан бошланиши, болаларнинг ўғирлик, ҳаром-харишдан йироқ бўлишда оилавий муҳитнинг ўрни нечоғлик муҳимлигига ишорадир...

ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАГИНИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИ “ГАПЛАШИБ” БЎЛМАЙДИ

Пора эвазига оғдириш... Коррупциянинг луғавий маъноси худди шундай экан. Бу маънавий нуқтаи назардан эса ахлоқсизлик ва тараққиётга таҳдид солувчи иллат ҳисобланади. Ҳуқуқий жиҳатдан эса жиноятдир. Ҳаёти-мизда, кундалик турмушимизда тез-тез учраб турадиган бу сўз ортида шундай таърифлар ётади. Бу умумий маънода, ўзига ишониб топширилган лавозимини шахсий бойлик орттириш, манфаат йўлида қасддан ва ноқонуний суиистеъ-мол қилишдан иборат.

Маълумотларга кўра, ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб коррупция халқаро муаммолардан бирига айланган. Бир мамлакатдаги ушбу иллат иккинчи давлат билан боғлианиб кетган. Айни дамда коррупция халқаро савдода миллиардлаб зарар келтирмоқда.

Дунё яралибдики, инсон бу бедаво дард билан аёвсиз курашиб келади. Бу иллатга қарши курашиш ишлари бир неча минг йиллар олдин бошланган. Ёзма манбаларда коррупция ҳақида эрамиздан аввалги Шумер подшо-лиги даврида эслатиб ўтилади. Бу бугунги замонда ҳам энг долзарб муаммолардан бири эканлигини ҳисобга олсак, демак, уни таг-ту-ги билан йўқотиш мушкул. Ҳатто дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам коррупциядан буткул халос бўлмаган.

Жамиятни таназул сари етаклайдиган, ҳар бир миллат келажигини хавф остида қолдирувчи иллатлардан бири бу шубҳасиз коррупциядир. Пора олди-бердиси кучайиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Жамиятда адолатсизлик қарор топади, халқ умидсизлик кайфиятига тушади.

Коррупция хусусан, демократик жараёнларнинг амалга ошиши-га тўқсизлик қилади, иқтисодий ривожланишнинг секинлашиши, кадрлар сифатининг пасайиши ва оқибатда барча соҳаларнинг ок-сашига, уюшган жиноятчиликнинг илдиз отишига, ва ижтимоий-си-ёсий беқарорликка сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бу жамиятнинг оғриқли нуқтаси.

“МАЙДА” КОРРУПЦИЯ ҲАМ БОР...

- Коррупция баъзида арзимас бўлиб кўриниши мумкин, аммо аслида у жамият ривожига болта уради. Бу бало шунчаки пул олди-бердиси эмас, балки таниш-би-лишчилик, қариндош уруғчилик, маҳаллийчилик каби бир қанча кўринишларга ҳам эга, - дейди **социолог Феруза Аҳмедова**. - Биласизми, коррупциянинг “майда” тури ҳам бор. Ҳар биримиз у билан дегарли ҳар кунни дуч келамиз. Кўпчилик бунга эътибор ҳам бермаймиз. Энг катта хатомиз ҳам аслида шунда, деб биламан.

Масалан, кичик миқдорни ташкил этадиган “майда” коррупция шифохоналар, таълим муассасалари ва бошқа идораларда содир этилади. Шифокорга ёзиб берган рецептни учун чўнтагига 10 минг ёки 20 минг пул соламиз. Укол қилгани учун ҳамширага “қўл ҳақи” берамиз. Дарсга борма-ганимизнинг товони сифатида ўқитувчимизга ширинлик учун

пул атаймиз. Мана, бу иллатнинг илдизи қаердан бошланяпти? Бу кичкина ва барчамиз учун арзимас “чақалар” берувчини ҳам, олув-чини ҳам поранинг домига тортиб бораверади. Аста-секин ушбу коррупция тури юқори даражадаги кенг миқёсли коррупциянинг янада хавфли шаклларига айланиб боради. Бир ёмон ишнинг зарари кишининг фақат ўзига эмас, ҳаммага тегиши мумкин.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ҲИКОЯСИ: ДИРЕКТОРНИ ХУРСАНД ҚИЛГАНЛАРНИНГ “КЕТМОНИ УЧДИ” ДЕЯВЕРИНГ...

Яқинда хизмат сафари билан вилоятга йўл олдим. Ёнимдаги ҳамроҳим ўқитувчи экан. Ўзини Саодат, деб таништирди. Йўл бўйи суҳбатимиз касбимиз ҳақида “қи-зик” воқеаларга ҳам ҳам уланиб кетди.

Ҳамроҳимнинг айтишича, ҳар йили июнь-август ойларида мактабларда дарс тақсимоти бўлади. Қайси ўқитувчи аввалроқ кириб, директорни хурсанд қилган бўлса, ана шу ўқитувчининг “кетмони учди” деяверинг. Буни эплог-маганлар яна ўша хафтасига 10 соатга ҳам етмаган дарс билан қолаверади.

- Гапнинг бўёғини эшитинг, - дея сўзида давом этди ҳамроҳим.

- Менга ҳеч мукофот пули берилмасди. Кейин бунинг сабабини билдим. Мукофот олган ҳар бир ходим унинг ярмини “бошликқа” бериши керак экан. Мен ўз ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилувчи ходимман, шунинг учун бу масалада менга лом-мим дейишмаган экан...

Суҳбатдошимнинг айтганлари, “олди-берди”ни қуюқ қилишни қўйилмақом тарзда эплаётган шундай мактаб директорлари коррупция аталмиш жиноятчилик қўл даражада илдиз отганлигини қайол кўрсатиб турибди. Афсуски, биз ишонган, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, келажиги билан шуғулланадиган даргоҳда ана шундай муҳит, бор экан. Бу эртанги кунимизга, жамият ривожига болта уриш билан баробар эмасми?

Бир сўз билан айтганда, порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, мулкни ўзлаштириш, фитна, вазифасини суиистеъмол қилиш, хушомадгўйлик, совға, маҳаллаштириш ва бошқа иллатларнинг авж олиши бу давлатга таҳдид аслида.

Шунинг учун ҳам коррупция хавфининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида респу-бликамизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу иллатга қарши курашишда Ўзбекистон ўзининг қатъий сиёсий иродасини намён этиб келяпти.

ХЎШ, ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Тўғри, сўнгги йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрсаткичларимиз анча яхшиланди. Аммо коррупцияга қарши курашувчи глобал коалиция “Transparency International” ташкилотининг Ўзбекистон бўйича берган ҳуло-саси бунга қарши курашга янада жиддийроқ ёндашиш кераклигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда 2024 йилда жами 6898 нафар шахс томонидан 5716 та коррупцияга оид жиноят со-дир этилган. Бу ҳақда Коррупция қарши курашиш агентлиги Ахборот хизмати раҳбари Шерзод Сапаров АОКАда бўлиб ўтган брифингга батафсил маълумот берган эди.

Унга кўра, 2023 йилга нисба-тан коррупцияга оид жиноятлар «Худудгазтаъминот» АЖ, Сув хўжалиги, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда банк соҳасида камайган. Бироқ олий таълим, транспорт ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳалари-да ошган.

Мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш, камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳала-рида коррупцияга оид жиноятлар салмоғи юқориликча сақланиб қолмоқда.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида 2024 йилда 309 та коррупцияга

оид жиноятлар ҳоким ёрдамчилари фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этилган.

Худудлар кесимида коррупцияга оид жиноятлар Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоят-ларида ўсган ва аксинча, Бухоро ҳамда Хоразм вилоятларида бун-дай жиноятлар кам содир этилган.

Агентликка 2024 йил давоми-да жами 4176 та муурожаат ке-либ тушган бўлиб, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича теги-шли вазирлик ва идораларга, ви-лоят маҳаллий ҳокимликларга 55 та сўровнома юборилган, қонун-бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 41 та тақдимнома киритилган, 7 нафар шахс инти-зомий жавобгарликка тортилган, шундан 1 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган, 19 та қабул қилинган қарорлар бекор қилинган, 6 та жиноят иши, 10 та маъмурий иш кўзғатилган ва мав-жуд хато-камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

Бундан ташқари, агентлик то-монидан 327 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари корруп-цияга қарши экспертизадан ўтка-зилиб, натижаларига кўра 237 та лойиҳанинг 71 фоизида ёки 323 тасида 676 та коррупцияни келти-риб чиқарувчи омиллар аниқлан-ган ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА БУ ИЛЛАТ БИЛАН ҚАНДАЙ КУРАШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА?

— Айтийлик, катта ҳажмдаги тоза сувга озгина қора суюқлик-ни солсангиз, идишдаги сувнинг ранги қорайиб, хиралашиб қолади. Ёки идишда қора рангли суюқлик бўлса-ю, унга қанча тиник сувни қуйганингиз билан тиниклашмай-ди. Катта жамоада битта бузғунчи бўлса, бутун жамоанинг руҳиятига таъсир қилади. Жамиятнинг соғлом-лаштириш учун унда бирорта хира нарс қолмаслиги керак, - дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Мамаджанова**. - Таҳлилчилар-

» **МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ХХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДАН БОШЛАБ КОРРУПЦИЯ ХАЛҚАРО МУАММОЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНГАН. БИР МАМЛАКАТДАГИ УШБУ ИЛЛАТ ИККИНЧИ ДАВЛАТ БИЛАН БОГЛИНИ КЕТГАН. АЙНИ ДАМДА КОРРУПЦИЯ ХАЛҚАРО САВДОДА МИЛЛИАРДЛАБ ЗАРАР КЕЛТИРМОҚДА.**

нинг фикрича, аввало, коррупци-явий омилларни аниқлаб, уларга барҳам бериш керак.

Ўзаро соғлом рақобат, шаффо-фияк бор жойда ҳеч қачон корруп-цияга ўрин бўлмайди. Фикримча, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисоб-дорлигини таъминлаш, жамоат-чилик назоратини қучайтиришга қаратилган қатор ислохотларни янада кучайтириш керак.

Ўзбекистонда коррупцияга қар-ши курашиш соҳасида қонунчилик базасини шакллантириш ва давлат ташкилотларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Шу йил 5 март Ўзбекистон-да коррупцияга қарши курашиш бўйича ортга суриб бўлмайдиган ташаббуслар дадил ва қатъий белгилаб берилган сана сифатида тарихимизда қолди. Давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши кура-шиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида нутқ сўзлаб, ушбу иллатга барҳам бе-ришга қаратилган устувор вазифа-ларни белгилаб берди.

Орадан кўп ўтмай, 21 апрель куни Президентимиз томонидан бир эмас, иккита муҳим ҳужжат қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда парламент, давлат ташкилотлари-дан тортиб, фуқаролик жамияти институтлари олдига турган ва-зифаларгача бирма-бир белгилаб берилди. Бошқача айтганда, кор-рупцияга қарши курашиш бўйича янги тизим жорий этилди.

Айтийлик, Фармон билан ишлаб чиқиляётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва Амалий чо-ра-тадбирлар дастури тасдиқлан-ди.



Парламент халқаро тажрибани ўрганиб, кибермақонда корруп-цияга қарши самарали курашиш бўйича мустақкам ҳуқуқий база яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

Шунингдек, парламент палата-лари масъул идоралар вакиллари-дан иборат ишчи гуруҳлар тузган ҳолда “жिनоятчиликка қарши курашиш ҳафталиги” давомида ҳар ойнинг 1-5 саналарида режа асосида “қизил” тоифадаги маҳал-лаларга тушиб, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиши лозим.

Бундан ташқари, парламент туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар прокурорлари ва ички ишлар органлари бошлиқлари фа-олияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериши ҳамда туман (шаҳар) ва маҳаллаларда илгари сурилган халқчил ташаб-буслар асосида қонунларни тако-миллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши зарур.

Ушбу Фармонга мувофиқ худуд-ларни комплекс ижтимоий-иқти-содий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти янги тартиб асосида йўлга қўйилади. Бунда прокурор, ички ишлар ва солиқ органлари раҳбарлари секторлар фаолияти бўйича юклатилган ва-зифалардан озод этилади. Сектор-лар ишига Бош вазир ўринбосар-лари ва Ўзбекистон маҳаллалари

уюшмаси ҳамда унинг худудий бўлинмалари масъул этиб белги-ланади.

Вазирлик ва идоралар раҳбар-ларига мазкур Фармонда белги-ланган вазифаларни сифатли, ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилди.

ҲОКИМЛИККА НОМЗОДЛАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ РЕЖАСИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

“Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллашти-риш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тад-бирлар тўғрисида”ги Президент фармонида кўра, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2025 йил 5 мартда ўтказилган кенгайтирилган йиғи-лишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лар ишлаб чиқилади.

Хусусан, 2025 йил май ойида вазир ва ҳоким лавозимига ном-зодлар кўриб чиқиляётганда улар томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режа ҳимоя қи-линиши тўғрисида қонун ҳужжат-ларига ўзгантириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқиши лозим.

Лойиҳада вазир ва ҳоким лаво-зимига номзодлар тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларида кўриб чиқиляётганда улар томони-дан коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режа ҳимоя қилини-шига оид тартиб назарда тутила-

ди. Бунинг учун масъул ижрочилар этиб Олий Мажлис палаталари (келишув асосида) белгиланди. Ҳужжатга кўра, коррупция ва жиноятчиликка қарши курашишда парламентнинг ролини тубдан ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталарига ҳар йили бюджет-дан энг кўп маблағ оладиган учта вазирлик ва идорада коррупция-вий омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш тавсия этилган.

“ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ”НИ ҚАЕРДАН ОЛАМИЗ?

Ҳақиқатан ҳам коррупцияга қарши курашишнинг самарали йўли бу “ҳалоллик вакцина-си”дир. 2020 йилда давлатимиз раҳбари бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашда, турли иллатлардан холи, фаровон, одил жамиятни қуришда энг муҳим “ричаг” — ҳар биримиз ўзимизни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмла-шимиз кераклигини таъкидлаган эди.

Президентимиз жамиятни «ха-лоллик вакцинаси билан эмлаш» зарурияти ҳақидаги фикрлари бу борадаги ишларга қўйилган тамал тоши десак, асло муболага бўл-майди.

- Айтиш керакки, бу вакцина аввало, инсон сийратини поклай-ди. Яъни, ҳалоллик инсоннинг онг-у шуурида бўлиши лозим. Уни эса пайдо қилиш керак бўлади. Шу маънода, онги ва қалби болалик-дан “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган янги авлодни қамолга етказиш устувор вазифамиздир, - дейди Учтепа тумани “Қорёғди” маҳалласи фаоли Алишер Гулямов. - Ҳар қандай инсонга қондан ва она сути орқали “ҳалоллик вакци-наси” сингиб боради. Шунинг учун ҳар биримиз ишни ўзимиздан, оиламиздан бошлашимиз керак.

Аввало, таълим-тарбия орқали фарзандларимизни ушбу вакцина орқали эмлашимиз лозим. Керак бўлса, уларни боғча ёшиданок ҳалолликка ўргатиш зарур. Ана шундай иммунитетни шакллан-тириш вазифаси аввало ота-она-лар, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ходимлари, шунингдек, халқимизнинг зиёли, маънавиятли қисми зиммасига юкланади.

Болаларимизни иймон-эътиқод-ли, ақлли, виждонли қилиб тарби-яласакгина, ҳалолликка эришадиган “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаган бўламиз.

«Ҳокимиятни пулга сотиб олганлар ундан фойда олишни истайди», деган эди Арасту. Грек файласуфи яшаган дав-рдан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо коррупция билан боғлиқ муаммо ўз долзарб-лигини йўқотгани йўқ. Пора таклиф қилиш тўхтамас экан, пора олиш ҳам тугамайди. Ҳар биримиз аввало, ўзгаришни ўзимиздан бошлашимиз керак. Ҳар биримиз болаларимиз-ни Фармонбининг “гапга кўнмайдиган”, нотўғри йўлда-ги ҳар қандай илтимосга йўқ дейишга қодир фарзандлари-дай тарбияласак, коррупцияга қарши курашишда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ТИЛ - УМУММИЛЛИЙ ИШИМИЗ

Замонавий дунёда ён-атрофимизни “рангли олам” – реклама баннерлари қўраб олгани бор гап. Интернет, телевидение, умуман ижтимоий тармоқларда ҳам турли қисқа реклама роликларига кўзимиз тушиши табиий ҳол бўлиб қолди. Баъзиларига эътибор берсак, улар тил ва мазмун нуқтаи назаридан том маънода ачинарли ҳолатда эканлигини ҳам кўряпмиз. Айтайлик, рекламалардаги имловий хатолар ёки бўлмаса икки тилга мансуб сўзларнинг бир баннерда турганини кўриш кулгунли. Буни қайсидир маънода ўз тилимизга бўлган ҳурматсизликдир. Масалан, ўрганиб қолганимиз ўша “машҳур” “заказ сомса”, “с собой бор”, “доставка” лар сони ошса ошмоқда, лекин камаймаяпти.

Яна бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Кейинги пайтларда

ижтимоий тармоқларда “реклама ва эълонлар” атамаси билан бирга “имловий хатолар” жумласи ёнма-ён юришига одатланиб қолдик. Келинг, шу ҳолатни бироз таҳлил қилиб кўрайлик. Битта реклама ёки эълон “дунёга келиши” жараёнида бир нечта шахслар бевосита иштирок этади. Мисол учун, буюртмачи, ижрочи, баъзи ҳолларда реклама ёки эълон матнни тайёрловчилар ҳам бўлади. Буюртма берилгандан сўнг, албатта намуна учун нусха тақдим этилади ва тасдиқланганидан кейин сўнг рекламалар чоп этилади. Мана шу жараёнлардан ўтгач ҳам реклама ва эълонларда имловий хатолик бўлиши масъулиятсизлик ёки саводсизлик натижасидир.

Тил яшаса, миллат яшайди, деган гап бежиз эмас. Бугунги кунда дунё миқёсида кўплаб халқлар она тилини сайқаллаш, миллий қадриятларини сақлаш учун бирлашаётганига гувоҳ бўляпмиз. Тўғри, юртимизда бу соҳага оид бир қатор ташкилий-ҳуқуқий, амалий ишлар олиб борилмоқда. Масалан, 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва



тил сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинди. Мазкур концепция асосида тизимли ишлар олиб борилаётгани ҳам қувонарли. Лекин бунга ҳамоҳанг биз ҳам ўзлигимизни англашувчи, буюк тарихимизни келажак авлодга ишончли тарзда етказувчи она тилимизни асраш ва сайқаллаш ишига бир



ёқадан бош чиқариб, масъулият билан ёндашишимиз керак. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов она тилимиз олдидаги бурч ҳақида айтганидек, “она тили умуммиллат мулкидир. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллийдир. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи лозим. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб ислохотлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир”.

Муроджон МАҲМУДОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан аҳолини камбағалликдан чиқариш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишда молиявий кўмаклашиш ва даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш йўлида янги лойиҳалар татбиқ этилмоқда. Жозибали, қулай ва тезкор хизматлар таклиф этилиши кучли рақобат муҳитини шакллантирмоқда.

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида ташкил этилган тадбирда шу ҳақида сўз юритилди. Тадбир доирасида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар учун бир қатор янги лойиҳа ва хизматлар тақдироти ўтказилди. Таъкидланганидек, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ

“БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ” АТБ:

ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНГИ ЛОЙИҲА ВА ХИЗМАТЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ



ва ундан кўп даромад қилувчи тадбиркорлик субъектларига қисқа муддат – 120 кундан 12 ойга қадар кўрсатилади. Факторинг маблағи миқдори тўловчи (дебитор)нинг жами 12 ойдаги даромадининг 15 фоиздан кўп бўлмаган қийматида берилди. Бунда кичик субъектлар учун 1 миллиард сўмгача, ўрта бизнес субъектлари учун 5 миллиард сўмгача, корпоратив бизнес субъектлари учун 10 миллиард сўмгача этиб белгиланган.

Тадбир доирасида банк томонидан кўрсатилган молиявий хизматлар натижасида ўз фаолиятини кенгайтирган миқозлар билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлар томонидан ўтган давр мобайнида банкнинг молиявий кўмагида амалга оширилган лойиҳалар ва бу лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу билан бирга, “Электрон платформа” орқали факторинг хизматларини кўрсатиш шартлари ҳам тушунтириб ўтилди.

Тадбирнинг яна бир аҳамиятли қисми, бу банк томонидан хизмат кўрсатилиши ёки молиялаштирилиши кутилаётган тадбиркорлик субъектлари билан ҳам давра суҳбати ўтказилгани бўлди. Суҳбат давомида миқозларга лойиҳаларни молиялаштириш бўйича мавжуд хизматлар таклиф этилди. Тақдимот ва хизматлар юзасидан тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга банк масъул ходимларидан жавоб олдилар.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ТАДБИРДА БАНК МАСЪУЛЛАРИ ТАДБИРКОРЛАР ЎРТАСИДАГИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ФАКТОРИНГ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БЕРДИЛАР.

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга ошириш ва уни доимий такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк сифатида белгиланган. Президентнинг 2024 йилнинг 12 августда қабул қилинган “Факторинг хизматлари бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти узлуксизлигини таъминлаш, имкониятларини ошириш мақсадида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан факторинг хизмати

йўлга қўйилган.

Тадбирда банк масъуллари тадбиркорлар ўртасидаги молиявий муносабатларда факторинг хизматидан фойдаланиш шартлари ва аҳамияти хусусида батафсил маълумот бердилар. Хусусан, товар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловни аънавий ҳамда факторинг инструмент орқали амалга оширишнинг фарқлари аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилди.

– Факторинг хизмати тадбиркорлар учун жозибадор молиявий инструмент ҳисобланади, – дейди “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ департамент директори ўринбосари Жасур Маҳмудов. — У тадбиркорларнинг пул маблағлари айланмасини тезлаштиради, ҳўжалик юритувчи субъектлар учун хавфни камайтиради, тўлов интизомига риоя қилишни таъминлайди. Энг муҳими, қисқа муддатли кредит маблағларига бўлган эҳтиёж ўрнини қоплайди. Шунинг учун факторинг бозори иқтисодиётимизда муҳим драйверлардан бирига айланди.

Шу ўринда ушбу хизматни янада соддароқ қилиб тушунтирсак. Масалан, етказиб берувчи миқозга хизмат ёки товар етказди, аммо ҳали тўлов қилинмаган. Бу вазиятда банк ёки факторинг

компаниялари ёрдамга келади. Улар қарзнинг камида 80-90 фоизини тўлаб берадилар, миқоз эса кейинчалик белгиланган муддатда қарзни банкка қайтаради. Бунда 2,5 фоиздан 10 фоизгача бўлган дисконт, яъни, банк томонидан молиялаштирилган сумма билан шартнома бўйича тўлов талабномаси суммаси ўртасидаги фарқ банк ҳисобида бўлади.

Мазкур хизматдан бюджет ташкилотлар ва жисмоний шахслар, зарарга кирган корхоналар фойдалана олмайдилар. Ушбу хизмат бир календарь йилида 1 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача



Реклама ҳуқуқи асосида

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

ТАХРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 537. 1666 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda